

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА
СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА АХБОРОТ ВА МЕТОДИКА МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ИЛҲОМ ИКРОМОВ
АНВАР ЛУТФУЛЛАЕВ**

ДОЙРА

“МУСИҚА НАШРИЁТИ”

ТОШКЕНТ – 2009

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Илмий-услубий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган.

Маъсул мушаррир:

С.М.Бегматов – Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори,
санъатшунослик фанлари номзоди.

Такризчилар:

А.Йўлдошев – Ўзбекистон давлат консерваторияси катта
ўқитувчиси.

М.И.Тошмушаммедов – Ўзбекистон давлат консерваторияси
профессори.

Мазкур ўқув қўлланмада дойра ижрочилик санъати тарихига доир
маълумотлар, услубий кўрсатмалар, дойра усуллари ноталаштириш ва
ижро этиш қоидалари баён этилган.

Икки қисмдан иборат ушбу ўқув қўлланма олий ва махсус таълим
муассасалари талабалари учун мўлжалланган.

СЎЗ БОШИ

Икки қисмдан иборат ушбу ўқув қўлланма олий ва ўрта махсус муסיқа ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган. Биринчи қисмда дойра ижрочилигига доир қисқача тарихий маълумотлар, муסיқа ижрочилигининг ўрни ва ривожланиш жараёни, дойра усулларини ноталаштириш ва ижро этиш қоидалари баён этилган. Шунингдек, ўқув қўлланмада услубий кўрсатмалар берилган. Дойра зарбларини ижрочиликда қўллаш услублари, пауза, лига, акцент, нуқталик усуллар, рез, синкопа, триол каби белгиларнинг ижро услублари соддагина оммабоп равишда тушунтирилган.

Амалиётда кенг қўлланиладиган «Форшлаг»лар ижро услубига алоҳида тўхталиб, услубий тушунчалар ва машқлар келтирилган. Шу билан бирга, И.Икромовнинг бир қанча ўзи басталаган этюд ва дуэтлари ўқув қўлланмадан ўрин олган. Бу этюдлар дойра, ноғора усуллари ва қочиримлари асосида ёзилган бўлиб, созанданинг ижро имкониятларини оширишда, унинг якканавозликда, рақс санъатидаги усулларни ўзлаштиришида, миллий куйларга жўр бўла олишида, зарбларнинг соф ва техник тақомилидаги қийинчиликларни енгишида ёрдам кўрсатади. Бу қисмда Ўзбекистон композиторларининг дойра ва фортепиано учун мослаштирилган асарларидан намуналар ҳам берилган. Бинобарин, дойра ва бошқа урма чолғуларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни, Ўзбекистондаги воҳалар ҳудудида дойра усулларининг яратилиши ва дойра ижрочилик санъатининг ўзига хос ижрочилик услублари ёритилади.

Ижрочилик услубларининг хилма—хиллиги турли вилоятларда турлича бўлиб, уларнинг фарқлари ҳозирги кунгача сақланиб қолмоқда. Айниқса, Хоразм дойрачиларининг ижрочилик маҳорати, жумладан, оҳанг, зарб жиҳатидан Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги дойрачилардан фарқ

қилади. Шу боис, биринчи қисмга илк маротаба Хоразм усуллариға хос дойра ва фортепиано учун мослаштирилган «Лазги», «Галалайлум» асарлари ва М.Ашрафий, Г.Мушель, Ф.Олимов каби композиторларнинг куйлари ҳам киритилган.

XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, Ўзбекистон дойра ижрочилигининг янги шакли, яъни дойра яккаасозлигида рақсга жўр бўлиш жанри шакллана бошлади ва бу йўналиш бугунги кунда ҳам аҳамиятга эга. Шунинг баробарида, дойрачилардан жамоа—дасталар, ансамбллар тузиш оммалашди. Бу жараён, ҳозирда ҳам айниқса, дойрада ижрочилик усуллари эгаллашда муҳим услуб сифатида қўлланилади.

Китобнинг биринчи қисми таниқли санъат усталари — Ўзбекистон халқ артисти Уста Олим Комилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўйчи Иноғомов каби ижрочилар яратган дойра усуллари И.Икромов томонидан ноталаштирилган намуналари билан якунланади.

ДОЙРА ЧОЛҒУСИ ҲАҚИДА

Марказий Осиё халқлари мусиқа маданиятининг сарчашмалари узоқ ўтмишдан бошланади. Милоддан аввалги биринчи минг йилликдаёқ Марказий Осиё халқлари ҳаётида мусиқа ва рақс санъати алоҳида аҳамият касб этган. Марказий Осиё ва айрим шарқ халқлари кўҳна мусиқа маданиятининг ўзига хос белгиларидан бири — оммавий халқ қўшиқлари ва чолғу куйлари билан бир қаторда, анъанавий ҳисобланган оғзаки услубдаги мусиқа санъати вужудга келди ва ривожланди.

Марказий Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг қадимий куй ва қўшиқлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни шарқ мусиқа маданияти ҳақида фикр юритган ўрта аср олимларининг рисоаларидан ҳам билиб олсак бўлади. Мусиқа илми ва амалиётига оид турли муаммолар устида

биринчилар қаторида фикр юритган мутафаккирлардан бири машҳур файласуф, қомусий аллома Абу Наср Форобийдир (IX – X аср). Унинг муסיқага оид «Китоб ал – муסיқий ал – кабир» номли улкан китоби («Муסיқа ҳақидаги катта китоб») кейинги авлодлар ижоди учун дастуриламал сифатида хизмат қилиб келмоқда десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Шунингдек, бу асар Абу Али ибн Сино (X – XI аср), Абдурахмон Жомий (XV аср), Нажмиддин Кавкабий (XVI аср) ва Дарвиш Али Чангий (XVI – XVII аср) тадқиқотларига ҳам асос бўлди. Уларнинг асарларида зикр этилишича, Марказий Осиё халқлари, айниқса, ўзбек халқининг муסיқа маданияти, жумладан, чолғу созлари қадим замонларданоқ хилма – хил ва бой бўлганлигидан далолат беради. Асрлар давомида Марказий Осиёда танбур, уд, най, чанг, рубоб, қўбиз, ғижжак, сурнай, буламан, ноғора ва дойра каби муסיқа чолғулари кенг қўлланилиб келинган.

Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, жўрнавоз зарбли соз сифатида оммалашган дойра ҳам ўзининг ривожланиб келаётган, миллий оҳангларга бой зарб ва усуллари билан халқ орасида шуҳрат қозониб келган.

Эрамиздан аввалги икки мингинчи йилликка оид Саймалитош археологик қазилмаларидан топилган дойрасимон созларда ижро этилаётган тасвирлар жуда қадим пайтлардаёқ вужудга келган чолғу эканлигидан гувоҳлик беради. Турли тасвирларда акс эттирилган бу чолғу замонавий ўзбек ва тожик дойраларига айнан ўхшаб кетади.

Айрим қадимий тасвирлардагига нисбатан дойранинг ҳозирги тузилишида баъзи ўзгаришлар мавжуд. Масалан, дойра гардишида тешиклар ўйилмайди, ҳозир эса уларнинг ўрнини гардишнинг ички томонидан осиладиган маъдан халқачалар эгаллаган. Гардиш устига тортиладиган тери сатҳи (мембрана) ҳам бир мунча кенгайган. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, булар

асосан XV—XVI асрларга оид китоб безакларида, Шарқ миниатюраларида тасвирланган. Аммо Марказий Осиёнинг ундан олдинги антик ёдгорликларидан ҳисобланган Нисо қалъасининг пештоқларида тасвирланган дойралар бу чолғунинг илк тузилиши ҳозирги ўзбек дойраларига яқин эканлигини кўрсатиб турибди.

Бу чолғу ўзбек ва тожикларда «дойра», «чирманда», «чилдирма», арманларда «дапп», эрон ва мисрликларда «дафф», озарбайжонларда «дэф», «дойре», «гавал», айрим шарқ мамлакатларида «дабу» ва бошқа номлар билан кенг тарқалганлиги маълум. Умуман, дойра турлари бир—биридан катта—кичиклиги, таркибий қисмларининг тузилиши, ижрочилик услублари билан фарқ қилади.

Марказий Осиё ерларида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида олинган маълумотларга қараганда, ислом давридан олдинги замонларда дойра ижросига, асосан, аёллар жўр бўлган. Уларнинг дойра усулларига мос қўшиқ айтиши ва рақсга тушиши ўша даврларда шаклланиб, асрлар оша ривожланиб келган. Ҳозирги кунда ҳам Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Наманган ва бошқа бир қатор вилоятларда дойра аёллар ижрочилигидаги асосий чолғулардан биридир. Айниқса, Фарғона воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида фақат дойра жўрлигида қўшиқ айтадиган, рақсга тушадиган қанчадан—қанча халқ дасталари тузилган. Улар турли анъанавий маросимлар билан боғлиқ бўлган тадбирларда иштирок этишади. Ёр—ёрлар, ўланлар, лапарлар, яллалар ҳамда замонавий қўшиқ ва рақсларни ижро этадилар. Бундай турдаги халқ дасталарининг ижрочилик санъати кун сайин кўплаб мухлисларнинг эътиборини қозонмоқда. Ҳужжатларнинг далолатига кўра, дойра — зарбли созлар қайроқ, занг ва бошқалар билан бир қаторда, оймома маросимларида коҳинлар томонидан кенг қўлланилган. Нисо пештоқларида тасвирланишича, дойра диний маросим рақсларига

жўр бўлувчи чолғу саналиб, айрим ҳолларда рақсга тушувчиларнинг ўзлари дойрачилар томонидан ижро этилган.

Турли тоифадаги чолғу ва ашула дасталари таркибида ҳам дойра олдиндан салмоқли ўрин тутиб келган. Халқимизнинг маънавий бойлиги, халқ ижодида асрлар оша шаклланиб, ривожланиб келган мақомларда эса, асосий негиз лад ва усулдир. Шунинг учун миллий мусиқамизнинг шоҳ асарлари бўлмиш мақомлар ижрочилигини дойрасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мақомларнинг наср ва мушкулот ижро йўллари юқори малакали ижрочи созандалару — ҳофизлар дойра билан ҳамкорликда ижро этишган.

Маълумки, дойра ва барча зарбли чолғулар ижрочилиги вужудга келиши ва равнақи жараёнида Марказий Осиё миқёсида ҳар бир воҳада ўзига хос маҳаллий ижрочилик услублари шаклланган. Бу услубларда ҳар бир воҳанинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамият касб этувчи томонлари ҳамон ўз моҳиятини сақлаб келмоқда. Буларга Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона — Тошкент дойра ижрочилигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Хоразм дойрачилик мактаби ўз ижрочилик услуби ва усуллари таркиб топиши жиҳатидан Ўзбекистоннинг бошқа воҳаларидаги дойра ижрочилиги услубларидан фарқ қилади. Шу билан бирга, Хоразмда икки хил — катта ва кичик дойра чолғуси мавжуд бўлиб, асосан жўр бўлувчи соз сифатида қўлланилади. Бу воҳада дойра ижрочилигининг якканавозлик услуби унча ривож топмаган. Бевосита чолғунинг ижро ҳолатини айтадиган бўлсак, Хоразмда дойра мўътадил қиздирилади ва шу туфайли ўзгача тембрга эга товуш ҳосил қилади.

Биздаги бор мусиқий манбалардан кузатишимизча, қадимдан барча воҳалар мусиқа дасталарининг ижрочилик фаолиятида дойра доим иштирок этган. Одатда, бир дойрани

ишлатиш кенг оммалашган, лекин баъзи ҳолларда икки, уч дойра ҳам ишлатилганлиги маълум. Бироқ ҳамма маълумотларда дойра якканавозлиги ҳақида бирдек сўз юритилмаган. Бу ҳол XX асрнинг дастлабки даврига ҳам тааллуқлидир. Аммо дойра чолғусининг бутун ижровий хусусиятлари якканавозликда, рақсга жўр бўлиш жараёнида намоён бўлади. Дойра якканавозлигининг таркиб топишида рақс санъатининг таъсири катта. Чунки бу жараён рақсларда бўлган ҳаракат, жозоба, лутф, имо – ишора каби халқимизга хос гўзал анъаналарни дойра усулларида тўла ифодалаш билан боғлиқдир. Шу билан бирга, бу ҳолат дойра ижрочиси учун хилма – хил, ранг – баранг усуллар мажмуасини тузиш ва уларни моҳирона ижро этиш билан чегараланмай, анъанавий рақс санъати сирларини ҳам тушунишни, ҳис қилишни талаб этади. Оҳанг ва вазн жиҳатларидан таркиб топган хилма – хил мураккаб рақслар мажмуасидан шакланган асарларда бир усулдан иккинчи усулга ўтишнинг табиий ва мантиқан асосланган йўлини топиш дойра ижрочисининг маҳоратига боғлиқдир. Бундан ташқари, янги – янги рақсларни (дойра жўрлигида) яратиш, уларни ўзлаштириш ва саҳналаштириш каби бир қатор тадбирларда дойрачи ҳам ғоят муҳим роль ўйнайди. Зеро, рақсни эркин ривожлантиришнинг асосий мезонларидан бири усуллар мажмуасидир.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда дойра ижрочилигининг янги услуби, яъни унинг якка соз сифатида қўлланиши ривожлана бошлади. Бу ишга 1947 йилда, Тошкентдаги собиқ пионер ва ўқувчилар саройи (ҳозирги Республика ўқувчилари ва ўсмир ёшлари ижодиёт маркази) қошида дойрачи болалар тўгараги ташкил этиш билан илк бор қадам қўйилди. Уларнинг фаолияти бой ўзбек усулларини ўрганиш билан бир қаторда, эстрада саҳналарида битта ёки бир нечта (тўрттагача) дойрада якканавоз бўлиб ижро этиш

услугларини ҳам ўрганишга асосланган эди. Дойрачи болалар тўғарагини битирганлар кейинчалик эгаллаган ижрочилик маҳоратлари туфайли ўзбек мусиқа санъатини дунёнинг турли мамлакатларида намойиш этиб, олқишларга сазовор бўлдилар. Қатор дойрачиларнинг ижрочилик санъати юксак мукофотлар билан тақдирланган. Улар орасида Ўзбекистон халқ артистлари ва Давлат мукофоти совриндорлари, халқаро ва Республика танловлари, жаҳон фестивалларининг бир неча ғолиблари бор. Жумладан: Қаҳрамон Дадаев, Талъат Сайфутдинов, Одил Камолхўжаев, ака—ука Дилмурод, Холмурод, Элмурод Исломовлар, Хусан Носиров, Илҳом Икромов, Алишер Йўлдошев каби санъат намояндалари эл—юрт эътиборини қозонганлар.

Биз келтирган мисоллар дойра ижрочилик анъаналарининг ҳаётийлиги ва замонавий руҳда ривожланиб, янгидан янги жанр ва шакллари вужудга келтириши мумкинлигини ва ўзбек анъанавий мусиқа санъатида дойранинг тутган салмоқли ўрнини кўрсатади. Дойрадан таралган садолар тингловчиларни ўзига ром этиб, уларда бадиий ва эстетик қизиқиш уйғотиши эса шубҳасиздир.

Анъанавий мусиқа жанрларининг барҳаётлиги билан бир қаторда, ҳозирги кунда замон талабига мос мусиқий жанрлар, ижрочиликнинг янгича услуби, янгича бастакорлик ижод турлари шаклланимоқда. Кейинги йилларда ўзбек композиторлари ўз асарларида дойра усуллариغا катта эътибор билан ёндашиб, унга алоҳида эътибор бермоқдалар. Масалан, опера ва балет жанрида яратилган асарларда ҳам дойра якканавоз ва жўр бўлувчи чолғу сифатида ишлатилмоқда. Симфоник оркестр ижросидаги ҳар бир асарга дойра ўзига хос миллий руҳ бахш этмоқда. Томошабинлар диққатига сазовор бўлган композитор Г.Мушелнинг «Раққоса» ва «Бахт гули» балетларининг маълум жойларида миллий рақслар шаклида берилган парчалар Ўзбекистон халқ артисти, машҳур

дойрачи Уста Олим Комиловнинг бевосита иштирокида яратилган ва саҳналаштирилгандир. Рақс устаси ва устоз дойрачининг ижодий ҳамкорлиги натижасида яратилган «Раққоса» балети ўзига хос миллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Асарда дойра якканавоз чолғу сифатида ишлатилиб, унинг сержило усуллар мажмуасига мос рақс санъати ҳаракатларини машҳур рақс устаси Г.Измайлова намойиш этган. Дойранинг якканавоз оҳанги унинг рақсига миллий тус бериб, ҳар бир ҳаракатни қайтарилмас гўзал бадиий ҳолатга келтирган. Бундан ташқари, ўзбек композиторларининг муסיқий драмаларини саҳналаш — тирган Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали драма ва комедия театри ҳам бу борада бир қатор ишларни амалга оширган.

Ўзбек симфоник мусиқаси таркибида ҳам дойра ижрочилиги ўз ривожини топган. Ўзбекистон композиторлари симфоник асарларининг кўпчилиги қисмида, масалан, М.Тожиёвнинг 11 — симфонияси, Т.Қурбоновнинг «Тўёна», «Аския», С.Жалилнинг «Тошкент манзаралари» каби симфоник партитураларида дойра ўз ўрнини топган.

Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратилган асарларда ҳам дойра усулларига алоҳида урғу берилган. 1938 йил ноябрь ойида Ўзбекистон давлат филармонияси қошида нота билан ижро этадиган ўзбек халқ чолғулари оркестри тузилди. Ўзбекистоннинг кўпгина композиторлари айнан шу оркестр учун асарлар ёза бошладилар. Ушбу асарларда дойра партияси оркестрда метро — ритмик хусусиятларнинг равон таъминланишига олиб келди. Б.Гиенко, Т. Қурбонов, Ф.Олимов, А.Мансуров асарларида бу хусусият яққол кўзга ташланади. Сўнгги йилларда бу ҳол ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратилган барча асарларда ўз аксини топмоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда дойрани хор жамоалари учун ёзилган асарларга ҳам жўр бўлувчи соз сифатида қўллаш одат тусига кирмоқда. Кўпинча, дойра усулларига хор капелласи овозлар ёрдамида тақлид қилиб келганлар. Дойра усуллари асосан бас (йўғон) овозли ашулачилар ижро этишган. 1970—йилларда хор, дойра ва зарбли чолғулар учун қатор асарлар яратилди. Жумладан: С.Юдаковнинг «Муборакбод» асарида хор, иккита дойра ва қайроқ, «Алёр» асарида эса хор, симфоник оркестр ва тўртта дойра, Б.Умиджоновнинг «Мавриги» асарида дойра ва қайроқ созлари иштирок этади.

Ўзбекистонда XX асрнинг ўрталарида шаклланган яна бир муסיқий оммабоп жанр — эстрада жанри. Бу жанрнинг ижро фаолиятида ҳам дойра чолғуси муайян вазифани ўтайди. Машҳур хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров бошлаган эстрада анъаналари ҳозирда ривожланиб, турли замонавий оқимлар таъсирида бойиб, уйғунлашиб бормоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, айнан эстрада жанрида ҳам маълум миллий характер кўп ҳолларда дойра садоларида талқин этилади. Бунини биз «Ялла», «Садо», «Ғунча», «Тошкент», «Наво» каби эстрада дасталарининг дастурларидан жой олган қўшиқларда кўрамиз.

Дойра ижрочилик санъатининг ривожланиш жараёнида ёш авлодга назарий ҳамда амалий билим бериш мақсадида Ўзбекистон давлат консерваториясининг — «Халқ чолғулари» кафедрасида дойра ва урма—зарбли чолғулар синфи ташкил топди. Ушбу даргоҳда ҳар бир истеъдодли талаба дойра ижрочилиги тарихини, назарий билимларни мукаммал эгаллаб, амалий ўзлаштиришга эса ижодий ёндашган ҳолда сабоқ олмоқдалар. Даргоҳни битирган талабалар ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг турли санъат ва маданият масканларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳаётда ҳар бир иш маълум даражада камчиликка, турли муаммоларга эга бўлгани каби, ушбу соҳа ҳам бундан мустасно эмас. У ҳам бўлса, ўқув – методик қўлланмаларнинг етишмас – лигидир. Бу борада мазмун жиҳатидан бир – бирига жуда яқин бўлган – А.И.Петросянц қаламига мансуб «Дойра учун ўқув қўлланма» ва О.Камолхўжаев билан А.Ливиевнинг «Дойра дарслиги»ни эслатиб ўтиш лозим. Иккала ўқув қўлланма ҳам асосан дойра ижрочилик санъатини энди ўрганишга киришган созандаларга мўлжалланган.

Муҳим тарихий манба тариқасида И.Акбаровнинг Уста Олим Комиловдан ёзиб олган «Дойранинг зарблари» тўпламини эслатиб ўтиш лозим. Бундан 57 йил муқаддам чоп этилганига қарамай, ушбу тўплам ҳозирги кунгача анъанавий усулларнинг энг тўлиқ мажмуаси деб тан олинади.

Юқорида қайд этилган фикр – мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дойра ижрочилиги ўзбек мусиқа санъатининг ажралмас бир қисмидир.

БОШЛАНГИЧ ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Ўқувчиларнинг дойрада ижрочилик маҳоратини бир маромда яхши ривожлантиришлари учун ўқитувчи уларнинг имкониятларига қараб керакли топшириқлар бериб бориши лозим. Бу топшириқларининг бажарилишини ўқитувчи ҳар бир дарс машғулотлари мобайнида назорат қилиб туриши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг ижрочилик қобилияти даражалари турлича бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳар бирига алоҳида режа тузилгани маъқул. Бошланғич синф учун шахсий режа бутун, яримталиқ, чоракталиқ нота ва паузалардан, оддий ўлчовларда яратилган машқлардан ва содда этюдлардан тузилиши маъқул. Юқори синфларга ўтган сари, ўқувчилар қобилиятига қараб, секин—аста мураккаб ўлчовларга хос машқлар, этюдлар тавсия этилади. Бу асарлар кўпроқ нимчорак, ўн олтиталиқ, ўттиз иккиталиқ ноталар чўзими ва паузаларидан таркиб топган бўлиши керак. Чунки, соддадан мураккаблиқ сари интилиш дойра ижрочилигини мукаммал ўзлаштиришга кенг имконият яратиб беради.

Ўқувчи ҳар бир дарсга киришидан аввал 30—40 дақиқа вақт давомида ўртача қиздирилган дойрада ҳар хил этюдлар ва усулларни мустақил ҳолда секин—аста машқ қилиб, қўлларини юргизиши керак. Сўнгра дойрани яхшилаб қиздириб, асосий дарсни бошлаши мумкин. Шунинг эса тутиш лозимки, қўллар яхши ҳаракатга келмаган ҳолда қиздирилган дойрани чалиш бармоқларни хасталикка олиб келади.

Ўқитувчи—раҳбар ўз шогирдига тўғри ва аниқ сабоқ бериш жараёнида ва уларни чолғуда тиниқ, равон, садоли товуш чиқаришга ўргатишда қуйидагиларга эътиборни қаратиши талаб қилинади:

а) иккала қўл ва бармоқлар зарблари бир хил куч билан урилиши;

б) ансамбль бўлиб ижро этишга ўргатиш; жўрнавозликда ҳар бир дойрачи усулга жило (қочирим) беришга интилади. Бу эса чолғу маҳоратини ўстириб, мустақилликка ундайди;

в) қишки, ёзги синовларда, концертларда ўзбек композиторларининг дойра ва фортепиано учун мослаштирилган асарларидан ижро этиш ўқувчиларнинг мусиқий қобилияти, ижрочилик савиясини ривожлантиради. Якканавозликда О.Комилов, Т.Иноғомов, Ғ.Азимов, Қ.Дадаев каби устоз дойрачилар басталаган дойра усуллари мажмуаларини ўргатишга жалб этмоқ зарур. Бу усулларни ижро этишда ўқувчилар юқорида қайд этилган машқ этюдларни пухта ўзлаштирган бўлишлари шарт.

Ҳозиргача дойра ва урма—зарбли чолғулар синфи учун услубий қўлланмалар етарли эмас. Лекин Ўзбекистон давлат консерваторияси, маданият олий ўқув юртларининг профессор—ўқитувчилари томонидан яратилган илмий—услубий ишлар қўлёзмаси қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Ушбу услубий қўлланмалардан ўқувчиларнинг ижрочилик санъатини ривожлантиришда, ёш дойрачилар маҳоратини оширишда кенг фойдаланиш мумкин.

ДОЙРАНИНГ НОТА ТИЗИМИ

Халқ musiқа ижрочилиги санъатининг кўпгина созлари каби дойра чолғучилигида ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмигача усулларни ноталаштириш яхши йўлга қўйилмаган эди. Қадимдан дойрачиларга усулларни устоз—созандалар томонидан оғзаки, яъни устоз—шогирд қабилада амалий кўрсатиш йўли билан ўргатиб келинган. Зарб ва нақрларни илк бор қоғозга тушириш эса, ўтмишда яшаб, ижод қилган Ал—Фаробий (IX—X аср), Сайфуддин Ал—Урмавий (XII—XIII аср) каби буюк алломаларнинг musiқий рисолаларида баён этилган. XIX ва XX аср бошларида Комил Хоразмий ва мумтоз musiқа йўлидаги усуллар мажмуаларини Фитрат домла ўз асарларида нота чизигисиз баён этишган. Дойра зарб ва усулларини ноталаштириш услубининг ўзига хос, мукамалроқ йўлини XIX асрнинг 80—йилларида маълум даражада ҳарбий капелмейстер А.Эйхгорн, XX асрнинг 20—30—йилларида эса таниқли рус musiқашунос этнографлари В.М.Беляев, В.А.Успенский, Н.Н.Мироновлар бошлаб берганлар. Улар дойра чолғу усулларини, асосан урма чолғулар учун амалиётда қабул қилинган бир чизиқли нота ёзуви услубида кўрсатиб берганлар.


Дойра ижрочилигида уч ижро воситаси мавжуд: ранг—баранг тембрлар, усул ва хилма—хил динамик шакллар. Буларнинг барчаси дойра ижрочилик санъатида ўзаро чамбарчас боғланган. Дойра зарб ва усуллари созанданинг иккала қўл бармоқларининг бир хил ҳаракатлари таъсирида ҳосил бўладиган кучли ва кучсиз зарб садolari туфайли вужудга келади. Шунинг учун ҳам, дойра ижрочилик санъатининг бой ва хилма—хил ижрочилик имкониятларини бир чизиқли нота ёзуви услуби тўлиқ ифода эта олмайди. Чунки, бир чизиқли услубда дойра зарбларини, асосий товуш манбаи (бак, бум) зарбларини кўрсатиши мумкин, холос.

1952 йили А.И.Петросянц қаламига мансуб «Дойра дарслиги» чоп этилди. Бу ўқув қўлланмада муаллиф дойра нота ёзуви услубини янада кенгайтирди. Бу нота ёзув услуби замонавий дойра чалиш йўлларининг барча имкониятларини қамраб олди. Ушбу ёзув тизими дойра ижрочилик амалиётида ҳар томонлама қулайликлар яратди ва бу услуб ўз мукаммаллиги билан ҳозирги кунда дойра учун асосий нота ёзуви вазифасини бажармоқда. Сўнгги йилларда Я.Ҳаққуловнинг дойра чалишни ўрганиш учун чоп этилган «Дойра учун пьесалар», О.Камолхўжаев, А.Ливиевнинг «Дойра дарслиги», Т.Ашрафхўжаев, А.Исматуллаевнинг «Дойра синфи бўйича хрестоматия» каби ўқув – услубий қўлланмалари ана шу нота ёзувига асосланган бўлиб, ижрочилиқда кенг қўлланилмоқда.


А.И.Петросянц қўлаган дойра учун нота ёзуви таркибида ҳар хил зарблар асосида шаклланган дойра усулларини ноталаштиришда ўнг қўл ва чап қўл учун махсус бир жуфт икки йўлли нота чизигидан фойдаланади.

Нота белгиларининг чўзимига риоя қилган ҳолда, хилма – хил зарб товушлари ўнг қўл учун ҳам, чап қўл учун ҳам бу чизиқларда бир хил белгилар билан кўрсатилади.

Ҳар хил усулларни ёзишда беш чизиқли нота йўлидан фойдаланиш ҳам мумкин, бунда ўртадаги учинчи чизиқ ишлатилмайди. Бундай ҳолларда ўнг қўл учун пастки 1 ва 2 – чизиқлар, чап қўл учун юқори 4 ва 5 – чизиқлар ишлатилади. Аммо Шарқ халқларининг куй ва қўшиқларига жўрनावоз бўлиш жараёнида чап қўл учун мўлжалланган катта ва кичик бумлардан ўринли фойдаланиш чолғучининг маҳоратига боғлиқдир.




Пастки икки чизиққа ўнг қўл, юқоридаги икки чизиққа чап қўл зарблари туширилади.




БЕЗАК ТУРЛАРИ

«Шинғироқ». Дойра зарблари остида ҳалқачаларнинг бир — бирига урилиши натижасида ҳосил бўладиган товуш «**шинғироқ**» деб аталади ва амалиётда (**х**) белгиси билан ифодаланади. «Шинғироқ» тажрибада, асосан, икки кўринишда учрайди: мустақил ва жўрликда. Иккинчи кўринишда бу услуб ҳар хил усуллар билан биргаликда қўлланилиб, ҳар бир урилган нуқраларга безак беради. Мисол:

«Шинғироқ» нинг мустақил қўлланиши:



«Шинғироқ»нинг ҳар хил усуллар билан биргаликда қўлланилиши:



«Шинғироқ» ижро услубидан моҳирона фойдаланиш дойрачининг зеҳни ва маҳоратига боғлиқ.

НУҚТА (.)

«Нуқта» белгиси дойра терисининг ўртасига ёки четига тирноқ билан чертиб чалишни билдиради.

ПОНА (.)

«Пона» белгиси дойра гардишининг энг чеккасига жимжилоқни тўртинчи бармоқ устидан сирғантириб чалишни билдиради.

«Илон изи» — бошмалдоқ учи билан дойра гардишининг терисига туташган четидан ўзига томон сирғантириб, дириллатиб ижро этишни билдиради.

ИЛОН ИЗИ



«Илон изи» — бошмалдоқ учи билан гардишининг терисига туташган четидан ўзига томон сирғантириб, дириллатиб ижро этишни билдиради. Бундай ижро этиш услубидан дойрачи якканавозликда, икки—уч дойра жўрнавозлигида фойдаланади. Лекин бу ижро жараёнида бошмалдоқ тирноқларига эҳтиёт бўлиш талаб этилади.

ЮЛДУЗЧА



«Юлдузча» белгиси ўнг қўлнинг «кичик буми» ва «кичик баки» устига қўйилади. Бу вақтда чолғучи қўлини теридан узмайди ва товуш дарров сўнади.

НОХУН

Қадимдан кекса авлод дойрачилари оммавий катта сайлларда, ҳар хил байрам тантаналарида, анжуманларда карнай, сурнай, ноғора чолғулари билан биргаликда куйлар ижро этиш жараёнида дойра зарб усулларининг кучли таралиши учун иккала қўлнинг тўртинчи бармоғига **нохун** темирчаларини кийгизишиб ижро этишган. Сўнгги йилларда дойра чолғучилик амалиётида нохун темирчаларни кийиб чалиш ёш созандаларнинг дойра ижро сирларини мукамал ўзлаштиришига имкон бермаганлигини кўрсатди, чунки нохун кийиб чалишга ўрганган дойрачи нохунсиз чалиш услубларини йўқотади. Нохун товушни сунъийлаштириб, соф, табиий садо беришига тўсқинлик қилади. Ҳозирда нохун кийиб дойра чалиш ҳоллари жуда кам қўлланилмоқда.

ТОВУШ КУЧИНИ ИФОДАЛОВЧИ БЕЛГИЛАР

pp пианиссимо — жуда кучсиз

p пиано — кучсиз

mp меццо пиано — ўртача кучсиз

mf меццофорте — ўртача кучли

f форте — кучли

ff фортиссимо — жуда кучли

> диминуэндо — товушни аста — секин кучсизлантириш

< крешчэндо — аста — секин кучлантириш

sf сфорцандо — айрим товушларни бирданига кучли ижро этиш
Morendo морендо — сусайтириш
Calando каландо — товуш кучини сусайтириш ва айни вақтда темпни оғирлаштириш.

ИЖРО ЭТИШ ХАРАКТЕРИНИ БИЛДИРУВЧИ БЕЛГИЛАР

Maestoso маэстосо — тантанали
Espressivo > экспрессиво — таъсирли
Cantabile кантабиле — мусиқий — мусиқавий
Dolce дольче — нозик
Grazioso грациозо — латиф
Animato анимато — жонли
Non troppo нон троппо — ўрта — миёна
Allegro non troppo аллегро нон тропо — ўртача тезликда
Molto мольто — жуда, ниҳоятда
Lento molto ленто мольто — жуда чўзиб
Poco a poco поко а поко — оз — оз, секин — аста
Poco a poco accelerando — поко а апоко аччалерандо — оз — оз
секин — аста тезлата бориш
Piu — пью — бирданига
Piu animato — пью анимато — бирданига, жонлироқ
Poco piu — поко пью — сал, хиёл
Sempre — сэмпре — ҳамиша
Con moto — кон мото — жонлироқ ҳаракат билан тезлаштириб
Leggiero — леджиэро — енгил
Largamente — ляргаменте — оғир
Meno — мэно — бир оз оғирроқ
Meno mosso — мэно моссо — секинроқ

ТЕМП (СУРЪАТ) ТУРЛАРИ

Бирор бир музика асарини ёки унинг қайсидир қисмини ижро этиш тезлиги ва характери **темп (суръат)** деб аталади. Темпларнинг номи асарнинг бошига, нота йўлининг устига ёзилади.

Кўп қўлланиладиган асосий темплар қуйидагилардан иборат:

Largo лярго — жуда чўзиб чалинади(энг оғир темп)

Lento ленто — секин — аста

Adagio адажио — оғир — вазмин

Andante анданте — секин — аста, шошмасдан

Andantino андантино — андантедан тезроқ

Moderato модерато — шошилмай (ўрта тезликда, мулойим)

Allegretto аллегретто — бир қадар тезроқ, жонлироқ

Allegro аллегро — жадал

Vivo, Vivace виво, виваче — жадал билан

Presto престо — тез

Prestissimo претиссимо — жуда тез

ТЕМЛАРНИ СЕКИНЛАШТИРИШ ВА ТЕЗЛАШТИРИШ

БЕЛГИЛАРИ

Asselerando аччелерандо — тезлаштириб

Animando анимандо — жонлантириб

Rallentando раллентандо — секинлаштириб

Ritardando ритардандо — оғирлаштириб

Ritenuto ритенуто — секин — аста тўхтаб

Stretto — стретто — ихчамлатиб (тезлатиб)

A tempo: tempo primo а темпо, темпо primo — аввалги темпга қайтиш

ДОЙРА

Дойра чолғуси асосан тут, ёнғоқ ва ўрик каби мевали дарахтлардан ясалади. Дойра гардишининг диаметри (айланма ҳажми) 37 см дан 40 см гача, гардиш эни эса 5—6 см қалинлигида бўлади. Чолғуга қопланадиган тери (мембрана) эса, от, бузоқ каби уй ҳайвонлари терисидан тайёрланади ва гардишга махсус елимлар ёрдамида ёпиштирилади.

Дойранинг барча хусусиятларини назарда тутган ҳолда, уни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- оғир гардишли;
- ўрта гардишли;
- енгил гардишли.

Дойрага қопланадиган терининг барча хусусиятларини назарда тутган ҳолда, уни ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- қалин тери;
- ўрта тери;
- юпқа тери.

Дойра қоплаш жараёнида оғир гардишга қалин тери, ўрта гардишга ўрта тери, енгил гардишга юпқа тери қоплаш мақсадга мувофиқдир.

ДОЙРА ГАРДИШИНИНГ ИЧКИ КЎРИНИШИ

Дойра гардиши ички томонига унинг диаметрига қараб, 70—80 та ва ундан ортиқ металл ҳалқачалар ўрнатилади. 14—15 га яқин битталиқ ёки учталиқ безак балдоқлари михланади. Гардишнинг терига туташган ички томони дойра зарбларини бўғмаслиги учун бир оз ёйсимон йўнилган бўлиши лозим.

ДОЙРАЧИНИНГ ИЖРО ҲОЛАТИ

Дойра икки ҳолатда чалинади: ўтириб ва тик турган ҳолда. Албатта, бу маълум шарт—шароитларга боғлиқдир. Чолғучи,

асосан ижро жараёнида кўпроқ тик турган ҳолда, оркестр ва ансамбль таркибида эса кўпроқ ўтирган ҳолда чалади. Дойрани туриб чалганда, оёқлар оралиғи елка кенглигида туриши мақсадга мувофиқдир. Иккала қўл тирсаклари гавдага тегиб турмаслиги лозим. Ҳар доим ижро этиш мобайнида қўллар қотиб, толиқмаслиги учун дойрани юқорига кўтариш, қуйига тушириш қўл, биллак ва тирсакларининг ҳаракатларини енгиллаштиради.

Дойрада ижро этиш сабоғини ўрганувчи ҳар бир ўқувчи, аввало маълум даражада ижрочиликнинг қонун — қоидаларига амал қилиши керак. Бунда чолғучи бошни тўғри, елкаларни бўш тутиб, ўтирғичга суянмасдан, ўтирғич четига яқинроқ ўтириши керак. Ўнг оёқ чап оёққа нисбатан маълум даражада орқароққа жойлашиб, ерга таянган ҳолда туради. Чолғучи ўз атрофидаги созанда, раққоса ва ижрочиларни кўриб туриши учун дойрани ўзидан озгина чапроққа олиб ушлаши лозим.

ЎНГ ВА ЧАП ҚЎЛ БИЛАН ДОЙРА ГАРДИШИНИНГ ИЧКИ ТОМОНИДАН УШЛАШ ҲОЛАТИ

Дойра ушлаш ҳолатининг ижрода иккита асосий таянч нуқтаси бўлади. Дойра гардишининг чап қўл кўрсаткич ва бош бармоқ ўртасига қўйилиши ҳамда қолган бармоқларнинг чалишга тайёр туриши биринчи ҳолатдир. Ўнг қўл — бош бармоқ ва қўл кафти билан гардишнинг эн томонининг ўртасига қўйиб, чап қўлга посонги тўғриланиши иккинчи таянч нуқтадир.

Эслатма: дойрани эркин ушлаш ва қулай чалиш учун амалиётда дойрачилар махсус тайёрланган мослама — ип боғичдан фойдаланадилар. Ушбу боғич гардишнинг ички томонидаги ҳалқачаларнинг бирига маҳкам боғланиб, ўнг қўл бош бармоғига кийдирилади.

ЧАП ҚЎЛ БИЛАН ДОЙРА ГАРДИШИНИНГ ИЧКИ

ТОМОНИДАН УШЛАШ ҲОЛАТИ

Дойра гардишини чап қўл кўрсаткич бармоғининг асос бўғинига қўйиб, гардишнинг ички томонидан бош бармоқ билан бироз эгиб, бўш ушланади.

ЧАП ҚЎЛ БАРМОҚЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ

Ижрочиликда мунтазам, равон товушлар баланд — пастлигини бир текисда амалга ошириш учун ўнг қўл зарблари чолғуга қай даражали урилса, чап қўл зарблари ҳам шундай даражада амалга оширилиши керак. Шундагина усулларнинг бир текисдаги мукаммал равон ижросига эришиш мумкин.

ТОВУШ ЧИҚАРИШ УСЛУБЛАРИ

КАТТА БУМ

Ўнг қўлда «**катта бум**» товушни ижро этиш учун қўл бармоқларини жуфтлаган ҳолда, чолғуга зарб урилади.

КИЧИК БУМ

Ўнг қўл учун мўлжалланган «**кичик бум**» ижросида ўрта бармоқни сал буккан ҳолда зарб урилади. Кичик бум ҳам катта бум урилган жойга урилади.

КАТТА БАК

«**Катта бак**» дойранинг чеккасига кафт билан ҳамда бармоқларни керган ҳолда мембрана ўртасига уриб, ижро этилади. Бу билан кучли, жарангдор товушга эришилади.

КИЧИК БАК

«**Кичик бак**» ни чалиш учун дойра терисининг чети — гардишга яқин ерига, тўртинчи бармоқ кескин урилиб, ижро

этилади. Бошқа бармоқлар керилган ҳолда бўлиб, терига тегмайди. Бунда жарангдор, янгроқ товуш чиқади.

ЧАП ҚЎЛДАГИ КИЧИК БАК

Чап қўлдаги «**кичик бак**» ўнг қўлдаги кичик бак сингари дойра терисининг чети — гардишга яқин ерига тўртинчи бармоқни кескин уриб, ижро этилади. Бошқа бармоқлар керилган ҳолда бўлиб, терига тегмайди. Бунда жарангдор янгроқ товуш чиқади.

ЧЕРТИБ ЧАЛИШ (НОХУН)

Чертиб чалиш (нохун) жимжилоқни тўртинчи бармоқ устидан сирғантирилиб, дойранинг чеккасига чертиб, ижро этилади. Тиниқ, жарангдор товушга эришилади. Худди шу ҳол ўнг қўл ижросида ҳам такрорланади.

Чертиб чалиш услубига катта эътибор бериш керак. Ҳар дарсда чап ва ўнг қўл бармоқларида чертиб чалиш учун алоҳида—алоҳида ҳамда биргаликда машқ, этюдлар бериб, бармоқларнинг фаолиятини ва ривожини бир хил ўстириб бармоқ лозим. Чиройли ва ёқимли чертиб чалиш ўқувчиларнинг ансамбль ва оркестрда қўшиқларга жўрнавоз бўлишлари учун имкониятлар яратади.

ИЖРОДА НИМЧОРАКТАЛИК НОТА

«Нимчоракталик» (ёки саккизталик) ноталар иштирокида ўнг ва чап қўллар учун машқлар. Бу машқларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар кўпроқ эътиборни ўнг ва чап қўл зарбларига қаратишлари керак. Зарблар кучли, тиниқ, равшан таралиши учун қўл ҳаракатлари бир текисда бўлиб, зарблар бир — биридан фарқ қилмаслиги лозим.



ИЖРОДА ЎН ОЛТИТАЛИК НОТА

Албатта, юқорида кўрсатилган вазифаларни пухта ўзлаштиргандан сўнггина, «ўн олтиталик» ноталар иштирокидаги усул ва машқларга ўтилади.

Бу машқлар ўқувчиларнинг ижро чаққонлиги ўсишига ёрдам беради. Эътиборни «чоракталик, нимчоракталик, ўн олтиталик» ноталар чўзимида ишлатиладиган усулларнинг аниқ эшитилишига, қўллар ва бармоқларнинг бир хил ҳаракатига ҳамда динамик ишораларига қаратиш керак.



ИЖРОДА ЎТТИЗ ИККИТАЛИК НОТА

«Ўттиз иккиталик» ноталар чўзимидаги машқлар ҳар бир ижроқидан техник чаққонликни талаб қилади. Бунга эришиш жараёнида машқлар секин темплик асарлардан бошланиб, бора – бора тезлашиб ва мураккаблашиб бормоғи лозим. Бу тадбир маълум даражада чолғучидан озод ва равон ҳаракатни талаб қилади. Шу билан бирга, ижрочи қўлининг тирсак ва билак қисмлари ҳам доимий ҳаракатда бўлиши мақсадга мувофиқдир.



ПАУЗАЛАР

Ижро жараёнидаги вақтинча тўхтамлар «**паузалар**» деб аталади. Амалиётда ноталарнинг номлари, чўзимлари қандай аталиб, қандай ўлчанса, паузалар номлари ва чўзими ҳам шундай аталиб, шундай ўлчанади.


Ҳар бир чолғу ижрочиси каби дойра ва урма чолғу ижрочилари ҳам паузаларни тўғри ва аниқ санаш қобилиятига эга бўлмоғи керак. Равон ижрони пухта эгаллаш учун ўқувчиларга ҳар дарс мобайнида турли паузалар учрайдиган машқлар, этюдлар бериб, бу топшириқларни аниқ ўзлаштираётганликларини кузатиб бормоқ лозимдир.

Бошланғич дарсларда пауза иштирокидаги машқларни аста—секин овоз чиқариб, санаб ўрганиш, кейинчалик эса чолғучи ижро давомида ўзига қулай санаш йўллариини ўзлаштириб олмоғи керак. (Албатта, санашни ички ҳис билан ўрганиш тавсия этилади).



Агарда оркестр ёки ансамбль ижросидаги асарларда паузалар сони


кўпайиб кетса, у ҳолда асарнинг ёзма нусхасига рақам қуйилади.



Дойра ижрочилигида «Бутун» ва «Яримталиқ» чўзимдаги

паузалар кам ишлатилганлиги сабабли, мисолсиз, фақат пауза деб кўрсатиш билан чекланамиз.

«**Чоракталиқ нота**» — чўзимига тенг келадиган паузанинг ёзилиши ва қўлланишига доир ўнг ва чап қўллар учун машқлар:




НИМЧОРАКТАЛИК ПАУЗА

«Нимчорақталик нота» чўзимига тенг келадиган «пауза» учун машқлар:



ЎН ОЛТИТАЛИК ПАУЗА

«Ўн олтиталик нота» чўзимига тенг келадиган пауза учун машқлар:




ЗАРБЛАР ЧЎЗИМИНИ УЗАЙТИРУВЧИ БЕЛГИЛАР

(фермата, нуқта, лига)

ФЕРМАТА

«Фермата» белгиси ноталар ва паузалар усти ёки остига ёй шаклида, ўртасига нуқта қўйилиб ёзилади. Унинг асосий вазифаси товуш ёки паузалар чўзими маълум миқдорда узайтиришдир. Бу чўзим ижро этилаётган асарнинг мазмуни ва

характерига, дирижёр ёки чолғучининг ижро маҳоратига боғлиқ. «Фермата» дойра ижрочилигида, якканавозликда, айниқса рақс ўйинларида кўпроқ ишлатилади.



НУҚТА

«Нукта» ноталар чўзимини узайтирувчи белгидир. Нота ёки паузаларнинг ёнига қўйилган «Нукта» шу нотанинг ёки паузанинг чўзим миқдорини ярим баробар узайтиради.

«Нукта» белгиси нота ва паузаларнинг ўнг томонига қуйилиб, дойра ва урма чолғуларнинг барча ижро жараёнида қўлланилади.

Амалиётда **икки нуктали** ноталар ҳам учрайди, бундай ҳолда чўзим биринчи нуктанинг ярмига тенг миқдорда ошади. **Икки нуктали** ноталар, дойра ва урма чолғу усулларида камроқ учрайди, шунинг учун бу белги устида алоҳида тўхташни лозим топмадик.



ЛИГА

«Лига» белгиси — нота ёзувида **икки** нота белгисини ўзаро боғлаб, чўзимини орттирувчи махсус белги  (ёки) билан ифодаланади. Лига дойра ижрочилигида кам қўлланилади. Лекин бу белгидан фойдаланиб ёзилган асарлар ўзгача жозибага эгадир. Ижро пайтида дойрачи учун лига ўнг қўлга мос келгани

қулай. Амалиётда бундай ҳол чап қўлга ҳам тўғри келиши мумкин.



ЗАРБЛАРНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ УСЛУБИ

(акцент, синкопа, триоль, рез, форшлаглар)

АКЦЕНТ (Урғу) >


Барча усуллар ҳар хил — кучли ва кучсиз зарблардан иборатдир. Уларнинг соф, аниқ ҳамда сержило ижросига эришиш учун музиқанинг ранг—баранг бой имкониятларидан фойдаланиш лозим. Жумладан: «**Акцент**» (урғу) барча чолғулар каби дойра усулларида ҳам кўпроқ қўлланилади. Нота ёзувида «**акцент**» белгиси нота белгисининг ости ёки устига қўйилади. «**Акцент**» қўйилган нота зарби бошқа ноталарга қараганда кучлироқ чалинади. Баъзи бошловчи чолғучиларнинг ўнг қўлига нисбатан чап қўли кучсизроқ ҳаракатда бўлади, бу камчилик чолғучи шакланган сари кўпроқ сезила бошлайди. Шунинг учун ҳар бир мураббий ўқувчиларнинг бу камчиликларини бартараф қилиш учун эътиборни кучсиз чалинадиган чап қўл зарбларини кучли зарб, яъни «**акцент**» билан ижро этишга қаратиши керак.

56 ♩=100



СИНКОПА

«**Синкопа**» — кучли ҳиссадаги нотанинг навбатдаги кучсиз ҳиссадаги нота билан ўрин алмашиши демакдир. (Яъни кучли ҳисса бўш ижросиз қолади ва ўзига хос жозиба ҳосил қилади). Бу тадбир равон усулда маълум кескинлик уйғотади. Дойра ижрочилигида ҳам «**синкопа**» безак сифатида куйга ранг — баранглик, жозиба ва кескинлик киритиш учун ишлатилади.



ТРИОЛЬ



«**Триоль**» — уч товушдан тузилган махсус ритмик шакл. Триолнинг чўзими, одатда, шу турдаги икки товуш чўзимига тенг. Ўқишга осон бўлиши учун нота ёзувининг устки ёки остки қисмига 3 рақами қўйилади.

Дойра ижрочилигида **триоль** — уч зарбнинг садоланиши бўлиб, чўзими жиҳатидан бир — бирига тенг бўлиши лозим. «**Триоллар**» кўпроқ чорак, нимчорак ва ўн олтиталик ноталар чўзимида учрайди. «**Триоль**» шаклидаги усулларнинг аниқ ва равон ижросига эришиш учун биринчи зарбга нисбатан урғу бериб чалиш талаб этилади. Шогирднинг қўл ҳаракати мураббий назоратида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ижрочиларнинг моҳирлик даражасига эришишда кўп турдаги машқлар қаторида **триоль** услубини қўллаш ҳам муҳимдир. Чунки **триоль** услуби чолғучидан чаққонликни, зукколикни, зарбларни аниқ ифодалашни талаб қилади. Бунга

эришган ҳар бир ижрочи замонавий мураккаб асарларни нуқсонсиз ижро этишга қодир бўлади.



РЕЗ (дилдир, титрама)

«Рез» дойра ва бошқа барча урма – зарбли чолғуларнинг энг ривожланган мураккаб ижро усулидир. «Рез» ўнг ва чап қўл зарбларининг бирин – кетин узлуксиз ҳаракатидан ҳосил бўлади.

«Рез» усулини пухта ва мукаммал ўзлаштирмоқ учун урма чолғуларга хос воситаларни эгалламоқ зарур. Бу жараён, айниқса, триоль усулига хос хилма – хил акцент (урғулар) дан ташкил топган машқларга асосланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу машқларни қанчалик енгил, чаққонлик билан ижро этишга эришилса, рез усули ҳам шунчалик енгил ва тўлиқ ўз ифодасини топади.




ФОРШЛАГ

Дойра ва барча урма чолғу асбоблар ижрочилигида битталиқ, иккиталиқ, учталиқ, тўртталиқ форшлаглар кенг ишлатилади. «Форшлаг» — асосий товушга қўшимча безак сифатида қўлланилиб, унинг товуш узунлиги миқдори алоҳида


такт ўлчовига кирмайди. Асосий зарбларга нисбатан кучсизроқ ижро этилади.

Дойра ижрочилигида форшлағлар зарблар таркибида қайси қўлга тўғри келишига қарамай, қисқа, чиройли ва аниқ эшитилмоғи зарур. Ижрода форшлағни қўллаш чолғучидан катта маҳорат ва билим талаб қилади.

ЯККА ФОРШЛАГ



ҚЎШ ФОРШЛАГ



УЧТАЛИК ФОРШЛАГ



1. ЭТЮД

$\text{♩} = 100$ | Allegro

1

f

2

3

mf

4

f

5

mf

6

f

A musical score for piano, consisting of 11 numbered measures. The notation is written on a grand staff (treble and bass clefs). The music features a series of ascending and descending eighth-note patterns, often beamed together in groups of four or six. Dynamic markings include *f* (forte), *mf* (mezzo-forte), and *fff* (fortissimo). Measure 7 is marked with *f*. Measure 8 is marked with *mf*. Measure 9 is marked with *f*. Measure 10 is marked with *mf*. Measure 11 is marked with *ff*. The final measure is marked with *fff*. The score is written in a single system.

Musical score for five staves, measures 12-13. The notation features eighth and sixteenth notes with beams, and slurs. Measure 12 is marked with a box containing the number 12 and a *mf* dynamic. Measure 13 is marked with a box containing the number 13 and a *f* dynamic.

2 – ЭТЮД

Musical score for five staves, measures 1-4. The notation features eighth notes with beams and slurs. Measure 1 is marked with a box containing the number 1, a tempo marking of $\text{♩} = 88$, and a *p* dynamic. The score includes dynamic markings: *p* at the start, *Poco* and *poco* on the second staff, *crescendo* on the third staff, and *f* on the fourth staff. Triplet markings (3) are present above the eighth notes in each measure.

2 *ff*

3

4

5 *pp*

6 *fp*


7 *f* *fp* *f*

8

9

10 *ff*

11



3- ЭТЮД

Allegro

И. ИКРОМОВ.

$\text{♩} = 92$ [1]



2 *mp*

3 *f*

4

5 *f*

6 *poco* *poco*

7 *crescendo*

8 *p*

9 *ff*

10 *f*

11

12

13 *ff*

Musical score for a piano piece, measures 13-17. The score is written on five staves. Measures 13-14 are marked with *f* and *ff*. Measures 15-16 are marked with *poco*. Measure 17 is marked with *crescendo* and *ff*. The music features triplets and sixteenth notes.

КОНЦЕРТ УСЛУБИДАГИ ЭТЮД

Allegro $\text{♩} = 90$

И. ИКРОМОВ

Animato $\text{♩} = 120$

1

2

Musical score for 'Концерт услубидаги этюд' by И. Икромов. The score is written on four staves. The first section is marked *Allegro* with a tempo of 90. The second section is marked *Animato* with a tempo of 120. The score includes measures 1 and 2, with measure 2 being the start of the second section. The music features eighth notes and triplets.

Larghetto $\text{♩} = 60$

mp *poco* *a* *poco* *crescendo* *a*

accelerando

4

5

$\text{♩} = 80$

6

poco *crescendo*

7

a tempo in primo
 8
 ritenuto
 9
fp
mf
mp *p*
 10

